



MILLIY TIKLANISH

41 (413) ● 2016 йил 28 сентябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
 ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят ташкилотлари Конференциясига делегатлар сайланмоқда

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар бугунгача 70 га яқин сўровни амалга оширди

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонун навқирон авлод вакилларини янада қўллаб-қувватлашга хизмат қилади

Сайлов — 2016

ЎзМТДП Марказий кенгашида сайлов штаби тузилди

Бугунги кунда мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини умумэтироф этилган демократик таъминлаш, халқаро андозалар ва миллий сайлов қонунийлиги асосида юқори савияда ташкил этиш ва уни уюшқоқлик билан ўтказишга қизғин ҳозирлик кўришмоқда. Миллий қонунийликка кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақатгина сиёсий партиялар номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодини кўрсатиш ҳамда Марказий сайлов комиссиясига зарур ҳужжатларни топширди. Партия Марказий кенгаши томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси партиянинг ушбу муҳим сиёсий жараёнда иштирок этишига ижозат берди.

Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча ташкилотлари давлат ва жамиятимиз ҳаётидаги муҳим жараёнда муносиб иштирок этишга қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Сайлов кампаниясини юқори савияда ташкил этиш мақсадида ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда ҳудудий партия ташкилотларида сайлов штаблари тузилди. Сайлов штаблари сайлов кампанияси даврида партиянинг сайлов билан боғлиқ фаолиятини, номзод ва унинг ишончли вакиллари, кузатувчилар ва тарғибот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб боради.

> 2-бет.

Конференция



ЎзМТДП маҳаллий ташкилотларида

муҳим сиёсий жараёнга қизғин тайёргарлик кўришмоқда

Сайловлар — бу демократиянинг муҳим белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шаклидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаси эркинлаштирилиши ва модернизация қилини-

ши натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган, умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва таъминотларга мос замонавий сайлов тизими яратилди. Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш кафолатларини, ҳар бир инсоннинг давлат ҳокимиятининг вакиллик органига эркин сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган самарали меъёрий-ҳуқуқий база шакллантирилди.

> 2-бет.

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кун

Энг шарафли касб



"Ҳар бир дарс ўқитувчининг маҳорати, билими-ни синодан ўтказилади. Бу эса ўқитувчини мунтазам изланишга, фан янгиликларидан хабардор бўлишга ундайди".

Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Хури Солиева кўп йиллик фаолияти давомида ана шундай хулоса чиқарган. Муаллима дарсга ҳар гал худди илк бор қираётгандек катта иштиёқ ва пухта тайёргарлик кўради. Бу бежиз эмас. Чунки таълим тизими мустақиллик йилларида тубдан ислоҳ қилинди. Халқаро миқёсда ўзига хос миллий модел сифатида эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури негизда узлуксиз таълим тизими жорий этилди. 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим ўқувчиларга ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган икки-уч мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгаллаш имконини яратмоқда.

> 5-бет.

4 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов кун

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарган мажлисда сиёсий партиялар вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида

"Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 241-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси 2016 йилги Президент сайловида иштирок этиш учун сиёсий партияларнинг тақдим этилган аризалари ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида иштирок этишга ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига рўйхатга олинганлик гувоҳномаларини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини берди.

Марказий сайлов комиссияси Президентини сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

> 2-бет.

Округ сайлов комиссияси журналистлар учун брифинг ўтказди

Жорий йилнинг 4 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказиш учун пойтахтимизда 700 дан ортиқ сайлов участкаси ташкил этилади.

Бу ҳақда 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси ўтказган брифингга маълум қилинди. Тадбирда таъкидланганидек, айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш учун қизғин ҳозирлик кўриляпти.

14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзоларининг 26 сентябрь кунги йиғилишида тадбирлар дастури белгилаб олинди ва комиссиянинг иш режаси тасдиқланди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини юқори даражада ташкил этиш ва ўтказиш барчамиздан катта масъулият талаб этади, — деди 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Аҳмадхўжа Юнусхўжаев. — Шу боис комиссия аъзолари ҳудудларда сайлов участкаларини ташкил этиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида туманларга бириктирилди. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг керакли маълумотларни олиши, сайловнинг демократик, очиқ ва ошқора ўтказилиши учун барча шароит яратилади.

Таъкидлаш жоиз, сайлов жараёнларини ОАВ орқали батафсил ёритиб бориш учун округ сайлов комиссиясининг матбуот маркази ташкил этилди. Марказ раҳбари Хусан Эрматовнинг айтишича, www.toshkent.uz сайтидаги "Сайлов — 2016" руқни орқали ҳам бу борада тўлиқ маълумот олиш мумкин.

Ўз мухбиримиз

Ушбу сонда:

Чексиз ирода ва матонат тантанаси

Карнай-сурнай садолари атрофни тутди. Барча музаффар спортчиларни қутлашга ошиқди...



> 6-бет.

Халқа шаклидаги айланадиган кўприк



> 7-бет.

Буюк мақсадларга ундовчи маскан

Ўзбекистон Миллий боғи ва Алишер Навоий ҳайкали барпо этилганига чорак аср тўлди



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



www.milliytiklanish.uz
 сайтида ҳам ўқинг!

